

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**38 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида**

1. Масқат шаҳрида (Ўмон Султонлиги) 2009 йил 5 октябрда имзоланган қуйидаги:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси биносини қуриш ва илмий-маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Ўмон Султонлиги Ҳукумати номидан Туризм вазирлиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиқ солишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги битим билан баённомага ўзгартиш киритиш ҳақида Қўшимча баённома тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-қоидаларини Ўзбекистон Республикаси бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 28 январь,  
ПҚ-1272-сон